


# TAFAKKUR ZIYOSI

*ilmiy-uslubiy jurnal*  
Тафаккур зиёси 2/2020



# МУНДАРИЖА

<b>Хуршида НАРХОДЖАЕВА.</b> Жараён англутувчи ясама терминларни тартибга солиши масалалари.....	114
<b>Гулбаҳор ТОЖИЕВА.</b> Тил лексикаси тадқиқи муаммолари .....	117
<b>Tamara KAVILOVA.</b> The internet in the process of teaching a foreign language.....	119
<b>Феруза ШУКУРОВА.</b> Роль коммуникативной компетенции в обучении иностранным языкам.....	122
<b>Феруза КАСЫМОВА.</b> Современные педагогические технологии, обеспечивающие качество обучения на уроках русского языка в школах.....	125
<b>Сурайё ЭШАНКУЛОВА.</b> Анъанавий образлар генезиси (Нодира ижоди мисолида).....	126
<b>Қўлдош ПАРДАЕВ.</b> Муқимий хажвий асарлари манбасининг киёсий таҳлили.....	129
<b>Зулфия ПАРДАЕВА, Феруза ТУРДИБАЕВА.</b> Шеъриятда нур ва ранг талқини.....	132
<b>Марғуба МИРҚОСИМОВА.</b> Муҳаммад Юсуфнинг поэтик образ яратиш маҳорати.....	135
<b>Шахло БОТИРОВА.</b> Бадиий психологизм критерийлари ва замонавий ўзбек романчилиги.....	138

## ПСИХОЛОГИЯ ВА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ

<b>Махматмурод ШОМИРЗАЕВ.</b> Технология таълимдада халқ хунармандилигининг психологияк-педагогик имкониятлари.....	141
<b>Отабек БАХРОМОВ, Рустам АБДУРАСУЛОВ.</b> Ёш футболчиларда қатъият ва ишончни кучайтирувчи мотивациянинг аҳамияти .....	143
<b>Фулом АРИФХОДЖАЕВ, Муҳаммадазизхўжа ЖЎРАХЎЖАЕВ, Марҳабо АРИФХОДЖАЕВА.</b> Л.С.Выготскийнинг инсон психикасига оид таълимоти ҳақида.....	146
<b>Нодира ТОШПЎЛАТОВА, Азиза КОМИЛОВА.</b> Боғча ёшидаги болаларда хиссиятларнинг ривожланиши.....	150

## ТАБИЙ ВА АНИҚ ФАНЛAR

<b>Зухра ЯХШИЕВА, Акбар БОЙҚУЛОВ, Умида ХУДОЙБЕРДИЕВА.</b> Терпенлар мавзусини замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқитиши.....	152
<b>Наргиза МЎМИНОВА, Зеби ЮНУСОВА, Комила РАШИДОВА.</b> Кимё фанинни ўқитишида қўлланиладиган интерфаол услублар.....	154
<b>Шавкат ШАРИПОВ, Дилафуз МУРАДОВА, Гулхаё ОЛИМОВА.</b> Табиий манбалар асосида ацетилен спиртлар ва нитриллар синтезининг педагогик асослари.....	157
<b>Файрат ҚОДИРОВ, Шоҳсанам КАМОЛОВА.</b> "Авесто" да экологик тарбия масалаларининг ўзига хос хусусиятлари.....	161
<b>Rakhmatilla BEKMIRZAEV, Xursanoy BEKMIRZAEVA, Dilshod RAUPOV, Zilola IGAMQULOVA, Bakhodir NABIEV.</b> Sufra radio observatory in Uzbekistan: progress and radio-seeing research plans.....	163
<b>Иброҳим ХАТАМОВ.</b> Мактабда ноевклид геометрия элементларидан фойдаланиш хусусиятлари .....	165
<b>Диларо НУСРАТОВА.</b> Дарсни интерфаол усулуда ташкил этишининг аҳамияти.....	168
<b>Миржалол ШОДМОНҚУЛОВ, Йигитали ХАНДАМОВ.</b> Бир жинсли пластинкани симметрик қиздириши вақтини оптималлаштириши масаласи.....	172
<b>Жамшид ЭРГАШЕВ, Алишер БЕРКИНОВ.</b> Кўёш батареясидан олинган электр энергиясининг афзалликлари .....	174

## САНБАТШУНОСЛИК ФАНЛARI

<b>Ҳасанхон ОМОНОВ, Гулҳаё ДЎСМУХАММЕДОВА.</b> Ўзбек санъатида мумтоз мусиқанинг ўрни.....	178
--	-----

## ЖАВОНДАГИ ХАЗИНА

<b>Олеқ КИМ, Назира МУХИТДИНОВА.</b> О принципах портретной характеристики в романах А. Белого "Петербург" и Д. Джойса "Улисс" .....	181
<b>Зурғиз МАМАДАЛИЕВА, Мафтұна ЮСУПОВА.</b> «Ұттан күнгілар» романыда дүст образы талқини.....	184

## ЁШ ТАДДИКОТЧИЛАР

<b>Элмира ҲАЗРАТҚУЛОВА.</b> "Бобурнома" ва "Тарихи Рашидий"да тазкирага хос хусусиятлар ифодаси.....	186
<b>Камола РАХМАТЖОНОВА.</b> Ўзбек тилида келишикларнинг ўрганилиш тарихи.....	189
<b>Муқаддас ТЎРАБОЕВА.</b> Бошлангич синф она тили таълимида машқ ва топшириклардан фойдаланиши.....	192
<b>Наргиза БЎРИЕВА.</b> Шекспир сонетларини ҳикоянавислик контекстида ўрганиш масаласи.....	195
<b>Обид АЗИЗОВ.</b> Ўқувчиларда коммуникатив компетенцияни инновацион ёндашув асосида шакллантириш йўллари....	198
<b>Хикматилло ДУСМАТОВ.</b> Ҳарбий авиация таълим тизимини бошқариш методологияси ва концептуал асослари.....	200
<b>Соҳибжон БОЙСИНОВ.</b> Адабиёт тарихидаги шеърий шакллар орасида тўртликларнинг ўрни.....	203
<b>Анвар РЎЗИЕВ.</b> Мутафаккиларимизнинг меросини ўрганиш тарихий мезон сифатида .....	206
<b>Низом ТАНГИРОВ.</b> Фанлараро ёндашув шаклланишининг асослари.....	209
<b>Гулруҳ НОРБЕКОВА.</b> Чет тили ўрганишдаги туртки масаласининг таснифи ва аҳамияти .....	212
<b>Дилафрӯз ҒАФФАРОВА.</b> Шекспир трагедияларининг прагматик ва дискурс таҳлили.....	214
<b>Жамшид ОРИШЕВ.</b> Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини тайёрлашда ахборот технологияларининг ўрни.....	216
<b>Дилшод ЮНУСОВ.</b> Талабаларда педагогик хурфиклиликни ривожлантиришнинг ижтимоий асослари.....	219

# БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Жамшид ОРИШЕВ - ўқитувчи

Жиззах давлат педагогика институти

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада касб - хунар эгаллаша шарқ алломаларининг қарашибари, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини тайёрлашда кўйилган педагогик масалалар ва бунда ахборот технологияларининг аҳамияти хусусидаги мулоҳазалар баён этилади.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** касб-хунар, Технологик таълим, Информатика фани, ахборот технологиялари, ахборот тизимлар.

**АННОТАЦИЯ:** В статье наряду с взглядами восточных учёных о занятии профессии указаны рассуждения о педагогических проблемах при подготовке преподавателей будущего технологического образования и роль информационных технологий.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** профессия, технологическое образование, предмет "Информатика", информационное технологии, информационные системы.

**ABSTRACT:** This thesis deals with the views of oriental scolars in occupation future technology education teachers, reflect on pedagogical problems and information technology.

**KEYWORDS:** Profession - handicraft, education of technology, Informatics, information technology, system of information.

Республикамизнинг ҳар томонлама тарақкий этиши таълимнинг ривожланишига ва мазмунли тақомиллашиб боришига боғлиқ. Бугунги кунда таълим сифати самарадорлигини ошириш энг дол зарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланмокда. Президентимизнинг 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳатларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги ПҚ -3775 қарори бунинг яққол далилидир. Бу қарорда бугунги кунда Олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга, Республикада амалга оширилаётган ислоҳатлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишларда ушбу муассасаларнинг фаол иштирокини таъминлашга тўсик бўлаётган бир қатор муаммолар сакланиб қолинаётганинг алоҳида ургу берилган<sup>1</sup>.

Мустакил давлатимизнинг келажаги учун янгича интеллектуал салоҳиятга эга бўлган яъни замонавий тафаккурга, маданиятга, маърифатга, касбий фазилатларга эга бўлган авлодни тарбиялашга мустаҳкам бой миллий меросимиз, пойdevоримиз бор экан, демак ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш ишини яхшилаш тўғрисидаги олиб борилаётган ислоҳатларнинг асосий йўналишларини, ушбу тизимни ҳам мазмунан, ҳам шаклан тубдан замонавий талаблар асосида янгилаш зарур. Бу бевосита бўлажак технологик таълим ўқитувчилари (БТТЎ)га ҳам тегишидир. Зоро, ёшларга касб-хунар сирларини мукаммал ўргатиш, технологик маданият, уларни ҳалол, онгли меҳнат қилишга йўналтириш технология фани ўқитувчининг асосий вазифаларидан биридир. Бу эса баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эгадир. Бой миллий меросга эга бўлган ҳалқимиз ўз тараққиётининг ҳеч бир босқичини илм-маърифатсиз, касб-хунарларсиз тасаввур қилмайдилар. Бу

борада узоқ ўтмишдан биттагина далилни келтириш билан кифояланамиз.

"XII-XIII асрнинг буюк алломаларидан ҳисобланган Саъдий Шерозий (1184-1292) "Гулистон" асарида тарбиянинг таъсири баёнига кўйидагина ҳикоя келтиради: "Бир донишманд фарзандларига панду насиҳат қиласди: Азиз ўғлонларим хунар ўрганинглар, зерки, молу дунёга эътиқод йўқ ва олтин кумуш сафарда хатарлидир. Қароқчи ўғирлаб кетади ёки эгаси еб-ичиб тамомлади. Аммо, хунар қайнар булоқ, туганмас давлатдир, агар хунарманд молидан маҳрум бўлса, қайгуси йўқдир, хунарнинг ўзи давлатдир. хунарманд қаерга борса, қадрланади ва уйнинг тўридан жой олади, хунарсиз одам эса ҳамиша машакқат чекади, тиланчилик қиласди"<sup>2</sup>.

Демак, бугунги баркамол авлодимизга хос хусусиятлардан бири - касб-хунарли бўлиш ва ўз касби сирларини мукаммал эгаллаб олишдан иборат. Технология фани ўқитувчиси ёшларнинг касбга йўналтирувчи, уларга касблар ҳақида дастлабки тушунча, билим, кўнишка ва малакаларни бера оладиган шахсдир. Шунинг учун у ўзининг касбий фалияти давомида қўйидаги кўринишдаги педагогик муаммоларни ҳал қила олишга эришиши лозим:

- таълимни ривожланиши ва тарбиявийлигини таъминлаш;

- таълимни ижтимоий фойдали меҳнат, технология ва касб таълимининг бошқа турлари билан интеграциясини ўрната олиш;

- дарсда ва дарсдан ташкари холатларда ўқувчиларнинг билиш ва техник қобилиятларини уйгун холда олиб бориш;

- ўз ўқувчиларига ақлий, хиссий, маънавий, ахборотли таълим беришда ижодкорликни кўллай олиш;

- ёшларни касбга тўғри йўналтириш ва келажак орзу-режаларининг рўёбга чиқишида ўз хиссасини

### Күшиш:

- технология фанини ўқитиши жараёнида ўқувчи-ларнинг эгаллаётган касбларига бўлган муносаба-ти ва касбий кўникмаларини шакланишига эъти-бор қаратиш ва шу кабилар.

Шунинг билан бирга Технология фани ўқитувчи-си ўз касбий фаолиятини самарали олиб бориш учун кўйидаги вазифаларни хал қила олиш кўник-масига эга бўлиши керак: таълимни лойиҳалаш-тириш ва режалаштириш; ташкиллаштириш; таъ-лим мухитини ахборотлаштириш; таълимни ривож-лантириш; таълим мазмунини мўлжаллай олиш; таълимга жалб қила олиш; таълимга ижодий ёнда-шиш; таълимни техник таъминотини яратা олиш; масофавий таълим, онлайн таълим мухитида сама-рали ишлай олиш ва шу кабилар. БТТУда юқори-даги каби касбий кўникма ва малакаларни шакллан-тириш мухим масалалардан бири бўлиб, уни ань-анавий усул ва воситалар билан ҳал қилиб бўлмайди. Бу масалани ҳал қилиш учун Технология ўқитув-чиси фаолиятидаги ҳар бир функция-ни шакллан-тириш учун керакли маълумотларни тўплаб, сара-лаб, қайта ишлаб, бир тизимга келтириб маълумот-лар базаси (МБ) ни ташкил этишга ва уни истеъ-мол учун тайёрлаб ахборот кўринишига келтириш керак ҳамда бу ахборотлар бўйича технология фани ўқитувчиси фаолияти тўғрисида ахборотлар банки (АБ)ни ташкил этиш керак. МБ Технология ўқитув-чиси учун зарурый таълимий манбалардан бири бўлиб қолади. Бу эса ўз-ўзидан сифатли таълим олиш боришга имкон беради. Бундай МБ ва АБ ни тай-ёрлаш Информатика ва ахборот технологиялари фани ютуқларисиз ҳал қилиб бўлмайди. Бу борада Олий таълим муассасалари олдига узлуксиз таъ-лим тизими ахборот мухитини яратиш ва улар ба-засида таълим жараёнининг ахборотлар таъмино-тини ривожлантириш, ҳамда таълим муассасалари-да янги ахборот технологияларини жорий этишининг ташкилий-услубий негизларини яратишни асосий вазифа қилиб кўйилган.

Бугунги кунда ахборот технологиялари ҳар қандай касбий фаолиятнинг мухим таркибий қисми-дир. Муаммо илмий-назарий таҳлил этиш, педаго-гик тажриба натижалари асосида биз мутахассис-ларнинг ахборот тайёргарлигининг касбий йўнал-тирилган тизимини ишлаб чиқиш методикасини тавсия этамиз:

- стандартлар, малака талаблари, ўкув режала-рининг тузилиши ва мазмунини таҳлил этиш асо-сида БТТУ касбий тайёргарлигини турли ташкил этиувчилар ўртасидаги ўзаро боғликлар ва муноса-батларни аниглаш;

- талабалардаги оммавий компьютер саводхон-лиги, улардаги ўрта умумтаълим мактабларида

хосил бўлган хисоблаш техникаси ва информатика воситаларидан маҳсус кўникмаларга эгалиги;

- мутахассиснинг ахборот технологиялари соҳаси-даги тайёргарлигининг асосий таълимий компонен-тларини белгилаш (улар таълим олувчига зарурый билим беришга, касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришга имкон беради, БТТУни ахборот тех-нологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда касбий масалаларини ечишга тайёрлашга хизмат килади);

- ахборот технологиялари соҳасида таълим олув-чиларни ихтинослаштиришнинг йўналишлари ва воситаларини аниглаш.

БТТУнинг касбий тайёргарлигини такомиллашти-риша таълим сифати мухим аҳамият касб этади. Зеро, таълим сифатини таъминлаш ўкув муассаса ривожланишининг асосий сифатларидан биридир. Албатта бугунги кунда таълим тизимида ахборот технологиялари кенг миқёсда кўлланилмоқда. Бу эса таълим жараёни ахборот таъминотини қайта кўриб чиқиши ва янгилangan ахборот базаси асосида таълим сифатини бошқариш тизимини лойиҳалаш-тиришга киришишни тақозо этмоқда. Бу ишлар таъ-лим муассасаларини ахборотлаштиришнинг мақсад-ли дастурини қабул қилиш ва уни амалда жорий этиш билан узвий боғлик.

Таълим муассасаларини ахборотлаштирумасдан туриб, бўлажак мутахассисларни, хусусан БТТУни касбий (хусусан, ахборот) тайёргарлигини ошириб бўлмайди. Таълим муассасаларини ахборотлашти-риша, энг аввало, кўйидаги йўналишларга алоҳи-да эътибор берилиши лозим:

- маъмурий бошқарув ишини янада такомиллаш-тириш;

- технологик таълим йўналиши талабаларига ўқитиладиган Ахборот технологиялари курси маз-мунини такомиллаштириш;

- янги ахборот технологияларини кўллаш асосида илмий-услубий ва тажриба-эксперимент ишларни такомиллаштириш;

- ўкув жараёнида ва фанлар бўйича дарсларни ташкил этишда ахборот технологияларидан фойда-ланиш;

- ахборот технологияларидан фойдаланиб дарс берадиган ўқитувчилар ва бошка ходимларининг малакасини ошириш бўйича ишларни режа асоси-да ташкил этиш;

- ахборот марказининг моддий-техник базасини такомиллаштириш.

Ўз навбатида ўкув жараёнида ахборот-коммуни-кация технологияларидан фойдаланиш кўйидаги энг мухим жихатлари билан алоҳида аҳамиятга эгадир:

\* дифференциал ва индивидуал ўқитиши жараё-нини ташкил қилиши;

<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мам-лакатда амалга оширилаетган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора - тадбирлар тўғрисида" ги ПҚ - 3775 қарори. Тошкент. 2018. [HTTPS://LEX.UZ/DOCS/-3765586](https://LEX.UZ/DOCS/-3765586)

<sup>2</sup>. Садъий Шерозий. Гулистан. Тошкент. Ёшлилар нашриёти. 2018. Б. 120.

<sup>3</sup>. Бегимкулов У.Ш., Джуроев Р.Х., Исянов Р.Г., Шарипов Ш.С., Адашбоев Ш.М., Цой М.Н. Педагогик таълимни ахборот-лаштириш: назария ва амалиёт. Тошкент. 2011. Б.5.

## ЁШ ТАДКИҚОТЧИЛАР

- \* ўқиши жараёнини баҳолаш, тескари алоқа боғлаши;
- \* ўзини-ўзи назорат килиш ва тузатиб бориши;
- \* ўрганилаётган фанларни намойиш этиши ва уларнинг динамик жараёнини кўрсатиши;
- \* фан мавзуларида анимация, графика, мультимедиа, овоз каби ахборотли манбалардан фойдаланиши;
- \* талабаларга фанни ўзлаштириш учун стратегик кўнникмалар ҳосил қилиши ва ҳоказо<sup>3</sup>.

Мамлакатимиздаги бугунги тараққиёт даражасига эътибор берадиган бўлсак Республика мизда ахборотлашган жамият куриш йўлидаги асосий вазифа ахборот майдонининг барча таркибий қисмларини ривожлантириш ва ундаги бошқарув субъектлари фаолиятини рафбатлантиришга қаратилган давлат ахборот сиёсатини ишлаб чиқиши хисобланади.

Шу сабабли ҳам БТТҮни тайёрлашга кўшимча қилиб қуидаги талабларни кўйиши мақсадга мувофик деб ўйлаймиз:

- мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишидан келиб чиқсан ҳолда, жамият ва давлатнинг замонавий талабларини кондириш, илм-фан, техника ва технологияларнинг илғор ютуклиридан кадрлар тайёрлашда узлусиз фойдаланишга зериши;

- келгусида, яъни ижтимоий-иктисодий шароитлар учун ҳам жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш сиёсатининг устиворлигига зериши, таълимда ижобий сифат ўзгаришларига ҳамда юқори самарадорликка зериши борасидаги илмий-техникавий ва информацион маълумотлар базасини яратиш;

- давлат таълим стандартидаги сифат кўрсаткичига ва самарадорликка зеришишнинг илмий услубларини ишлаб чиқиши, бу соҳадаги оптимал вариант-ларни танлашга истиқболли илмий услубий ишланмаларни тайёрлаш зарур;

- таълим шаклларини мунтазам равишда оптималлаштириш вазифасини ҳар - бир ўқитувчининг кундузлик касбий фаолиятига айланмоғи зарур ва бунинг натижасида техник ва инсон ресурслари ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини хисобга олиб, бутун ўқитиш, билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш ва уларни амалиётда қўллаш тизимини яратиш;

- педагогика соҳасидаги Олий таълим муассаларида технологик таълим йўналиши ўкув жараёнини лойихалаштиришда фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини эътиборга олиш;

- ўкув режадаги фанлар мазмунини шакллантиришда энг сўнгги технологиялар, замонавий материаллар билан бойитиш ва шу кабилар.

Албатта, бунда ўкув жараённи ҳамда уни бошқариш - ўзига хос мураккаб тизим бўлиб, бу тизимдан фойдаланишнинг самарадорлиги ўкув жараёнини бошқаришнинг оптимал вариантини танлаш билан белгиланади. Таълимни оптимал бошқаришни ташкил қилишда куйидаги босқичларга қатъий амал қилиш талаб этилади:

-таълим жараёнини бир тизим деб қараб, тизим ва тизим элементлари хакида маълумотлар йиғиши ва уларни кўйилган мақсадни эътиборга олган ҳолда синфларга ажратиши;

-таълимни бошқариш алгоритми бўйича йигилган маълумотлардан фойдаланишга ишчи дастурини ишлаб чиқиш;

-ишлаб чиқилган ишчи дастурни режалаштирилган мақсад бўйича жорий этиши;

-ишчи дастурнинг дастлабки ва оралиқ натижаларини мунтазам равишда назорат қилиб бориши;

-натижаларни таххил қилиб, таълимни оптимал бошқариш учун тегишли ростлаш ишларини олиб боришини ташкил қилиши.

Шу сабабли ҳам юқоридаги санаб ўтилган босқичларни таълим жараёнини оптимал бошқаришни кафолатлаш мезонлари деб атash мумкин<sup>4</sup>.

Кузатиш натижалари бугунги кун талаба - ёшларидаги ахборот технологияларидан фойдаланишга бўлган қизиқишлари тобора ортиб бораётганилигини кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, БТТҮнинг касбий кўнникма ва малакаларини шакллантиришда ўкув жараёнини самарали лойихалаштириш жараёнинда мутахассисликка оид интеллектуал дастурлар, электрон дарслер ва ўкув кўлланмалар, тавсияномалардан мақсадли фойдаланиш ниҳоятда муҳимдир.

**Такризчи: доцент Р.М. ЮСУПОВ**

<sup>3</sup>.Бегимкулов У.Ш., Джураев Р.Х., Исянов Р.Г., Шарипов Ш.С., Адашбоев Ш.М., Цой М.Н. Педагогик таълимни ахборотлаштириш: назария ва амалиёт. Тошкент. 2011. Б.5.

<sup>4</sup>.Тўракулов Х.А., Файзиматов Б.Н., Убайдуллаев С., Тўракулов О.Х., Ҳамидов Ж. А. Техника фанларини ўқитишга янги педагогик технологияларни кўллашнинг илмий - педагогик асослари. Ўкув кўлланма. Фарғона. Техника. 2003. Б.65.